

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРАХМЕТОВА МУХЛИСА АНСАРИТДИНОВНА

«БОБУРНОМА»НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАСИДА
МУАЛЛИФ УСЛУБИГА ХОС ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2021

УЎК: 81.255.2

КБК: 81.2-7

Ш-79

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Шарахметова Мухлиса Ансаритдиновна

«Бобурнома»нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос
лексик-семантик хусусиятларнинг ақс этиши 3

Шарахметова Мухлиса Ансаритдиновна

Отражение лексико-семантических особенностей авторского стиля
в переводе «Бабур-наме» на урду 27

Sharakhmetova Mukhlisa Ansaritdinovna

Reflection of the lexical and semantic features of the author's style in the
translation of «Babur-name» in Urdu 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

ШАРАХМЕТОВА МУХЛИСА АНСАРИТДИНОВНА

«БОБУРНОМА»НИНГ УРДУЧА ТАРЖИМАСИДА
МУАЛЛИФ УСЛУБИГА ХОС ЛЕКСИК-СЕМАНТИК
ХУСУСИЯТЛАРНИНГ АКС ЭТИШИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil614 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuos.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонова Муҳайё Ҳакимовна
филология фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Халлиева Гулноз Искандаровна
филология фанлари доктори, профессор

Ходжаева Нилуфар Бекмуратовна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етақчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil/Tar.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 233-45-21; факс: (99871) 233-52-24; e-mail: sharq_ilmiy@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 16-уй. Тел.: (99871) 233-45-21.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Маннонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Р.А. Алимухамедов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.д.

Х.З. Алимова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, филол.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё филологиясида халқларнинг ўзаро маданий-адабий алоқалари мустақамланишида турли услубга хос асарлар таржимавий хусусиятларини тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. «Бобурнома» туркий, хусусан, ўзбек адабиётининг намунаси сифатида Шарқ ва Ғарб олимлари орасида катта қизиқиш уйғотиб, изчил ўрганилаётган асарлардан биридир. Бобур асарлари, жумладан, «Бобурнома»нинг таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларни очиб бериш таржимашуносликда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё таржимашунослигида ёзма манбаларнинг хорижий тилларга қилинган таржималарини илмий жиҳатдан ўрганиш бугунги кунда долзарблик касб этади. Уларни лексик-семантик жиҳатдан ўрганиш, реалияларни таржима асарларида ўгириш, улардаги тушунилиши қийин бўлган атамаларнинг маъносини изоҳлар бериш орқали тушунтириш, таржима асарни аслиятдан бевосита ҳамда билвосита таржима қилишнинг афзал ва мураккаб томонларини аниқлаш каби йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари бораётган Ўзбекистонда мумтоз адабиётимиз намуналари бошқа тилларга таржима қилиш билан боғлиқ соҳаларда сезиларли ютуқларга эришилмоқда. Илм-фанда тарихимиз ва санъатимизга қандай муносабатда бўлиб келгани, ҳозирда бу муносабатлар қай тарзда кечаётгани, жумладан, мумтоз адабиётимиз намуналарининг бошқа тилларга ўгирилиб, тадқиқ этилиши ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, «Биз боболаримиз меросини қанча кўп ўргансак, бугунги кунда ҳам бизни ташвишга солаётган жуда кўп саволларга тўғри жавоб топамиз. Бу бебаҳо меросимизни қанча фаол тарғиб этсак, халқимиз, айниқса, ёшларимиз бугунги тинч ва эркин ҳаётнинг қадрини англаб етади»¹. Шу жиҳатдан «Бобурнома» асарининг туркийдан урду тилига қилинган таржималарини илмий асослаш, бевосита урдудан туркийга қилинган таржиманинг аслиятга қай даражада мослигини аниқлаш, муаллиф услубига хос лексик-семантик жиҳатларнинг таржимада акс этишини очиб бериш урдушунослик соҳасидаги долзарб масалалардандир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича «Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги ПҚ-4680-сон «Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меърий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси / Янги Ўзбекистон. – Тошкент, 2020. 30-декабрь.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришнинг инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Бобурнома»нинг тарихий-адабий, услубий ва лингвистик нуқтаи-назардан ўрганилиши бўйича қатор тадқиқотлар амалга оширилган². Шу маънода «Бобурнома»нинг хорижий тилларга қилинган таржималари ҳам тилшунослик учун муҳим. «Бобурнома» нинг таянч манбаларини аниқлаш ва оммалаштиришда навоийшунос, бобуршунос, матншунос ўзбек олимларидан А.Фитрат³, В.Раҳмонов, П.Шамсиев, С.Мирзаев, В.Зоҳидов, А.Қаюмов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, С.Ҳасановнинг хизматлари катта. Ҳ.Қудратуллаев⁴, С.Ҳасанов, Н.Отажонов, С.Азимжонова кабилар бу асарни адабий-тарихий планда ўзбек ва чет эл адабиёти тарихи кўламида тадқиқ қилганлар.

С.Шукуруллаева⁵, Ф.Салимова, Н.Жиянова, М.Собиров, Р.Каримов, А.Иброҳимовлар қиёсланаётган икки тил (инглиз, ҳинд, француз) воситаларининг

² Джамалов С. О художественных особенностях «Бабур-наме»: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1971; Азимджанова С., Қаюмов А. Захириддин Мухаммад Бабур. Предисловие к «Избранным сочинениям». – Ташкент: Изд. АН Узб., 1959; Бобур ижодиёти (ҳаммуаллифликда). – Тошкент, 2007; Ходжаева Л. Проблемы перевода: характер, стиль и интерпретация текста «Бабур-наме» (Литературоведческий аспект). Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1986; Иброҳимов А. Бобурийлар мероси. – Тошкент: Мехнат, 1993; шу муаллиф. «Бобурнома» – буюк асар. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2000; шу муаллиф. «Бобурнома»даги ҳиндча лексика. – Тошкент: ТДШИ, 2002; шу муаллиф. Бобур “Девон”и тилидаги ўзлашма лексика. – Тошкент: ТошДШИ, 2006; шу муаллиф. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи (“Девон”, “Мубаййин”, “Аруз”): Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2008; Холманова З. «Бобурнома»нинг айрим лексик хусусиятлари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2003; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси. – Тошкент: Фан, 2003; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2009; Ҳасанов С., Рустамхўжаев Ш. «Бобурнома» нашрларидаги арабий иқтибослар таҳлили. – Тошкент, 2010; Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Фалсафа д-ри. дисс. – Тошкент, 2017.

³Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. 1-жилд. Тошкент: Ўздавнашр, 1928; Захириддин Мухаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти (Нашрга тайёрловчи, сўз боши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. Масъул муҳаррир В.Раҳмонов). – Тошкент: Шарқ, 2007; «Бабур-наме» (Записки Бабура). Перевод М.Салье. – Ташкент: Шарқ, 2008; Мухаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. В.Раҳмонов ва Я.Эгамова таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2010; «Бобурнома». Ҳозирги ўзбек тилига В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаева таъдил қилган. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008; Бобир. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар: Шамсиев П., Мирзаев С. В.Зоҳидов сўзбошиси ва таҳрири билан. – Тошкент: Ўзбекистон Фанлар академияси нашриёти, 1960; Ғайбуллоҳ ас-Салом, Отажонов Н. Жаҳонгашта “Бобурнома”. – Тошкент, 1996.

⁴Қудратуллаев Ҳ. «Бобурнома»нинг тарихий адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий ижодининг қиёсий таҳлили асосида): Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 1998; Қудратуллаев Ҳ. Бобур армони. – Тошкент: Шарқ, 2009; Ҳасанов С. ва б. Буюк комусий асар – Бобурнома. – Тошкент: Шарқ, 2002; Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон адабий жараёнида: қиёсий-типологик таҳлил. – Тошкент, 1998; Азимджанова С. Ферганский удел Омара-Шейха и Бабура (в XV и начале XVI вв). Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1949; Азимджанова С. Государство Бабура в Кабуле и Индии: Дисс. ...д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1969.

⁵Шукуруллаева С. Воссоздание художественного своеобразия в «Бабур-наме» в его английских переводах (Дж.Лейдена-У.Эрскина и А.Беверидж): Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1989; Салимова Ф. Лексикографические и текстологические характеристики «Восточно-тюркского словаря» Паве де Куртейля и переводов «Бабур-наме»: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1997; Жиянова Н. «Бобурнома»даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2000; Собиров М. «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида муаллиф услуби ва бадииятини қайта тиклаш муаммолари: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Каримов Р. «Бобурнома»даги шеърлар хорижий таржималарининг қиёсий таҳлили: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2003; Иброҳимов А. «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2001;

кўпроқ луғавий мувофиқликларидан келиб чиқиб, тадқиқот олиб борганлар. Х.Назарова⁶, А.Иброҳимов⁷, З.Холманова⁸, Д.Хошимова⁹, З.Тешабоева, Д.Муҳаммадиева¹⁰ «Бобурнома»ни лексик-семантик, грамматик ва лингвомаданий жиҳатдан тадқиқ этганлар.

Мазкур асар Европа шарқшуносларининг ҳам диққатини жалб этган. XVIII аср ўрталаридан «Бобурнома»ни хорижда ўрганилишида Ж.Лейден¹¹, В.Эрскин, А.Бевериж, Ҳ.Бевериж, У.Текстон, С.Пуул, Ф.Талбот, Ҳ.Лэмб, М.Эльфинстон, Жан-Луи-Бакэ-Граммон¹², Паве де Куртейл¹³ каби йирик ғарб шарқшунослари, А.Самойлович¹⁴, Г.Благова, Н.Илминский, В.Вяткин, Н.Веселовский, В.Бартольд, М.Салье, И.Стеблева каби рус олимлари, Шафиқа Ёрқин¹⁵, Абдулхай Ҳабибий каби афғон мутахассислари, С.Шарма¹⁶, Р.Трипатҳи, М.Ҳасан сингари ҳиндистонлик шарқшуносларнинг ҳиссаси катта. «Бобурнома»нинг хорижий тилларга қилинган таржималари бўйича мамлакатимиз ҳамда хорижда адабиётшунослик, тилшунослик, таржимашунослик ва манбашунослик соҳаларида эътиборга лойиқ тадқиқотлар амалга оширилганига қарамай, бу асарнинг илмий-танқидий матни ҳали нашр этилмаган. Шу маънода «Бобурнома»нинг япон шарқшунос олими Э.Мано¹⁷ яратган танқидий матнини бу соҳадаги энг катта хизмат деб баҳолаш мумкин. «Бобурнома» асарининг туркийдан урду тилига қилинган таржимасини ўрганиш, таржима муаллиф матнига монандлиги, урду таржимани лисоний нуқтаи назардан, хусусан ундаги муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этиши каби масалалар урдушунослик соҳасида илк бор тадқиқ этилмоқда.

⁶Назарова Х. Бобур ва ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1971; шу муаллиф: Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV-начала XVI в. – Ташкент: Фан, 1979; шу муаллиф. Синтаксический строй языка «Бабур-наме» Захириддина Мухаммеда Бабура: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1980.

⁷ Иброҳимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи («Девон», «Мубаййин», «Аруз»): Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2008.

⁸ Холманова З. «Бобурнома»нинг айрим лексик хусусиятлари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2003; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2009.

⁹Хошимова Д. «Бобурнома» матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи: Филол. фан. д-ри дисс. – Тошкент, 2018; Хошимова Д. «Бобурнома» асарининг танқидий матнини яратиш муаммолари («Бобурнома» танқидий матнининг япон нашрлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2006.

¹⁰ Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2017; Муҳаммадиева Д. «Бобурнома» туркча таржимасида паремияларнинг қиёсий тадқиқи: Фил. фан. филол. фан. докт...дисс. – Тошкент, 2021.

¹¹ King L., Leyden J., Erskine W. Memoirs of Zehir-ed-Din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan. – London, annotated and revised ed. by L.King, 2 Vols, Milford, 1921; Babur-Nama (Memoirs of Babur). Translated from the original Turki text by Annete S.Beveridge – Lahore: Sang-e meel, 1979; The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor. Translated, edited and annotated by Wheeler M., Thackston, New York and Oxford, 1996; Lane-Poole. Babar. – Oxford, 1899; Harold Lamb. Babur The Tiger. – New-York, 1961; Elfinston M. History of India. – London. 1857.

¹²Vacque-Grammont J.L. Le livre de Babur. – Parij, 1980.

¹³Pavet de Courteille. A.Dictionnaire Turk-Oriental. – Parij, 1870.

¹⁴Самойлович А. Собрание стихотворений императора Бабура. – Петроград, 1917; Благова Г. Акад.Самойлович и изучение литературного наследия Захир-эд-дина Мухаммеда Бабура // Восток. №6. – М., 1997; Вяткин В. Самарканд и его окрестности в прошлом, по запискам Султана Бабура-Мирза; Бартольд В. История культуры мусульманства. – СПб., 1918; Бабур-наме. Пер. М.Салье. Издание второе, дораб. Общ. ред-я и доработка С.Азимджановой. – Ташкент: Гл. ред. энциклопедий, 1993; Стеблева И. Семантика газелей Бабура. – М.: Наука, 1982.

¹⁵ Захириддин Мухаммад Бобур. Девон. Тузувчи: Шафиқа Ёрқин. – Кобул, 1983.

¹⁶ Sharma S.R. A Bibliography of Mughal India (1526-1707 A.D) – Bombay, 1990.

¹⁷ Mano Eiji. Babur-nama (Vaqa'iy) Critical Edition Based on Four Chaghatay Text with introduction and Notes. – Kyoto-Syokado, 1995.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Тошкент давлат шарқшунослик университети илмий-тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Шарқ таржимашунослигининг назарий ва амалий масалалари» ҳамда «Таржимашунослик, қиёсий тилшунослик ва лингвомаданиятшуносликнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Бобурнома»нинг Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний томонидан урду тилига қилинган таржимасида миллий колорит, тарихий шахслар адабий портрети, мамлакатлар таърифи, ҳайвонот ва наботот билан боғлиқ лексик-семантик хусусиятларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Бобурнома»нинг Ўзбекистон ва хорижда тилшунослик, адабиётшунослик ва таржимашунослик бўйича қилинган тадқиқотларни тавсифлаш;

«Бобурнома»нинг урду тилига қилинган таржималарини қиёсий тавсифлаш; муаллиф услубига хос жиҳатларнинг таржимада берилишини қиёсий таҳлил қилиш;

урду тилидаги таржималарда миллий хосланган сўзларни таржима қилишда қўлланган усулларни аниқлаш;

аслиятдаги полисемантик, синонимик ва архаиклашган бирликларнинг таржимада берилишини қиёсий очиб бериш;

мамлакатлар таърифи, тарихий шахслар адабий портретига чизгилар, Ҳиндистон ҳайвонот ва наботот олами тасвирининг таржимада аслиятга қай даражада мувофиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг «Бобурнома»¹⁸ асари ва Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний томонидан урду тилига қилинган таржимаси¹⁹ танланган.

Тадқиқотнинг предметини «Бобурнома»нинг Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний томонидан урду тилига қилинган таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш ва чоғиштириш каби таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Бобурнома»нинг урду тилига қилинган таржималарини қиёслаш асосида туркийдан қилинган Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний қаламига мансуб таржиманинг тўлиқ таржима экани, Юнус Жаъфарийнинг форсийдан ўгирган билвосита тўлиқ, шарҳли ва илмий таржимаси ҳамда форсийдан Рашид Ахтар Надавий, Муҳаммад Қосим Сиддиқийлар томонидан ўгирилган билвосита таржималарнинг қисқа шаклда эканлиги асосланган;

¹⁸ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома» Порсо Шамсиев, Содик Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002.

¹⁹ تزک بابری، مرزا نصیر الدین حیدر، بک لینڈ کراچی، ۱۹۶۲

«Бобурнома»да муаллифнинг бадиий маҳорати, қисқа ва содда баён тарзи, фикрни ихчам ҳамда лўнда ифодалаш, воқеаларни реал тасвирлаш каби хусусиятларнинг Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимасида акс этиши, лексик ва услубий жиҳатлари аниқланган;

аслиятдаги миллий-маданий хос сўзларнинг урду тилига, асосан, транслитерация ва муқобили билан алмаштириш усуллари орқали ўгирилганлиги далилланган;

мамлакатлар таърифи, тарихий шахслар адабий портрети, Ҳиндистон ҳайвонот ҳамда наботот олами тасвири таржимасини қайта яратишда лексик ва семантик трансформациялар, хусусан, генерализация (умумлаштириш), конкретизация (аниқлаштириш), компенсация (тўлдириш) усуллари билан аслиятга мувофиқлик даражаси исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Бобурнома»нинг аслияти ва урду тилига қилинган таржималарини қиёслаш орқали чиқарилган хулосалар шарқ таржимашунослиги, хусусан, ўзбек урдушунослигини ривожлантириши белгиланган;

аслиятда келтирилган миллий хос сўзларнинг таржимада берилиш муаммолари кўрсатилган;

«Бобурнома»нинг аслият ва урдуча таржимасида синонимик қаторлар аниқланиб, уларни адекват таржима қилишда таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

«Бобурнома»нинг урдуча таржималарида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятлар билан боғлиқ қарашлар таржимашунослик, адабиётшунослик, таржима амалиёти, бадиий таржима амалиёти каби фанлардан дарслик ва ўқув қўлланмаларни яратишда, мумтоз асарларни таржима қилишда, «Бобурнома» бўйича келгусида бажариладиган тадқиқотларда муҳим манба сифатида хизмат қилиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда фойдаланилган назарий маълумотларнинг ишончли манбалардан олинганлиги, танланган манбаларнинг тадқиқот предметига мувофиқлиги, қўлланган ёндашув ва усуллар, келтирилган таҳлил, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти «Бобурнома»нинг урду тилига қилинган таржималарини қиёсий ўрганиш орқали чиқарилган хулосалардан янги таржима матнини яратишда фойдаланиш мумкинлиги, таржимашунос, тилшунос, адабиётшунос ва тарихшуносларнинг «Бобурнома» бўйича тадқиқотлар бажаришида манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти чиқарилган хулоса ва назарий умумлашмалардан олий ўқув юртларининг хорижий филология ва шарқ филологияси факультетларида «Таржима назарияси», «Таржима амалиёти» ва «Бадиий таржима» каби фанлардан амалий машғулотларни олиб боришда, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Бобурнома»нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларнинг акс этиши бўйича олинган натижалар асосида:

«Бобурнома»нинг урду тилига Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний амалга оширган бевосита ҳамда Юнус Жаъфарий, Рашид Ахтар Надавий, Муҳаммад Қосим Сиддиқий томонидан ўгирилган билвосита таржималари юзасидан чиқарилган хулосалардан ОТ-А1-38 рақамли «Бобурийлар даври адабиёти» (ҳиндий, урду, туркий ва форсий тилидаги манбалар асосида) мавзуидаги лойихада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 январдаги 89-03-94-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг урду тилидаги манбалар қисми «Бобурнома» асарининг урдуча бевосита ва билвосита таржималарига оид янги маълумотлар билан бойиган ва илмий жиҳатдан такомилга етказилган;

«Бобурнома»даги мамлакатлар таърифи, Ҳиндистон ҳайвонот ва наботот олами тасвири таржималарининг ўзига хосликларига оид маълумотлардан Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази илмий фаолиятида фойдаланилган (Лал Баҳодур Шастри номидаги Ҳиндистон маданият марказининг 2019 йил 20 декабрдаги маълумотномаси). Натижада Ҳиндистон маданият маркази фаолиятига Заҳириддин Муҳаммад Бобур қолдирган тарихий-адабий ёдгорликнинг Ҳиндистон ва Покистонда ўрганилиши, унинг урду тилига қилинган таржималарида, хусусан, Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний қаламига мансуб таржимасида мамлакатлар таърифи, адабий портретлар, Ҳиндистон ҳайвонот ва наботот олами тасвирини қайта яратиш масалалари борасидаги янги қарашлардан воқиф бўлиш имконияти яратилган;

«Бобурнома»нинг урдуча таржимасида муаллиф услубига хос лексик-семантик хусусиятларга оид хулосалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» телерадиоканалида эфирга узатилган «Мумтоз сўз сеҳри», «Адабий жараён» туркум эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканалининг 2020 йил 24 январдаги 04-25-184-сон маълумотномаси). Натижада ушбу радиоэшиттиришлар сценарийлари илмий маълумот билан бойиган, кенг жамоатчилик «Бобурнома»нинг урду тилига қилинган таржималари, хусусан, Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимасида Заҳириддин Муҳаммад Бобур услубига хос жиҳатлар ҳақидаги маълумотларга эга бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 23 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 149 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бобурнома**»нинг урдуча таржималари бўйича олиб борилган тадқиқотлар таҳлили» деб номланган биринчи бобида «Бобурнома»ни тилшунослик ва таржимашунослик соҳалари бўйича Ўзбекистон ва хорижда амалга оширилган тадқиқотлар шарҳи, ушбу асарнинг урду тилига қилинган таржималарининг қиёсий тавсифи келтирилган.

Бобур қолдирган илмий-адабий мерос ичида, шубҳасиз, энг буюги – «Бобурнома» ва у мураккаб жанрда битилган асардир, айти пайтда, ўзбек адабиётида дастлабки насрий-мемуар ва тарихий-адабий ёдгорликдир.

Ўзбекистонлик қатор олимлар Бобур меросини ҳар томонлама жумладан, лингвистик жиҳатдан ўрганишга катта ҳисса қўшганлар. Масалан, В.Раҳмонов Бобур асарларини нашр этишда фаол иштирок этган. Олим «Бобурнома»нинг янги илмий нашрини, унинг қисқача изоҳли луғатини тузди. «Бобурнома»ни ҳозирги ўзбек тилига табдил қилиб, нашр эттирди²⁰. Ҳ.Қудратуллаевнинг «Бобурнома» бўйича докторлик диссертацияси ўтмиш кадрятларимизга янги ёндашуви, истиклол мафқураси акс этганлиги билан аҳамиятлидир²¹. Олимнинг Бобур, бобурийлар, «Бобурнома» бўйича кўплаб илмий, илмий-оммабоп мақола ва китоблари бор. «Бобурнома»нинг айрим лексик хусусиятлари П.Шамсиев, С.Мирзаевларнинг шу асарнинг 1948-1949 ва 1960 йилги нашрларида сўзларга берган изоҳларида акс этган. «Бобурнома»нинг 1960 йилдаги нашрида икки хил изоҳ берилган: 1) маълум сўз, ибора, контекстнинг Лондон ёки Қозон босмаларидаги муқобили; 2) форсча ёки арабча сўз, ибораларнинг таржимаси, маъноси келтирилган. Изоҳларнинг умумий сони 600 дан ортиқ²².

²⁰ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Сочининг савдоси тушти (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Э.Очилов. Масъул муҳаррир В.Раҳмонов. – Тошкент: Шарқ, 2007; «Бабур-наме» (Записки Бабур). Перевод М.Салье – Ташкент, Шарқ, 2008; Муҳаммад Ҳайдар Мирзо. Тарихи Рашидий. В.Раҳмонов ва Я.Эгамова таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2010; «Бобурнома». Ҳозирги ўзбек тилига В.Раҳмонов ва К.Муллахўжаева табдил қилган. – Тошкент: Ўқитувчи, 2008.

²¹ Қудратуллаев Х. «Бобурнома»нинг тарихий-адабий ва услубий таҳлили (Навоий, Бобур, Хондамир ва Восифий насрининг қиёсий таҳлили): Филол.фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 1998; шу муаллиф. Бобур армони. – Тошкент: Шарқ, 2005.

²² Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев, С.Мирзаев. I ва II қисмлар. – Тошкент: ЎзРФА нашри, 1948-1949; Заҳириддин Муҳаммад Бобур. «Бобурнома». Нашрга тайёрловчилар: П.Шамсиев, С.Мирзаев. В.Зоҳидов сўзбошиси ва таҳрири билан. – Тошкент: ЎзРФА нашри, 1960.

Х. Дадабоевнинг «Бобурнома»даги ижтимоий-сиёсий, ҳарбий терминлар ва бошқа лексик бирликларга доир мақолалари эълон қилинди²³. Х. Назарова «Бобурнома»ни тил жиҳатидан ўрганишга муносиб ҳисса қўшган. Бобур асарлари бўйича луғат тузган²⁴, Бобур асарларининг тил хусусиятлари, хусусан, грамматик хусусиятлари ўзбек тилшунослигида биринчилардан бўлиб олима томонидан ўрганилган²⁵. А. Иброҳимов «Бобурнома»даги ҳиндча сўзлар тадқиқи бўйича изланиш олиб борган. Олим илк бор «Бобурнома»даги ҳиндча сўзларни таснифлади, аслиятдаги ва ҳозирги ўзбек тилидаги имлосини белгилади. Бобурнинг «Девон», «Мубаййин» ҳамда «Аруз» асарларидаги ўзлашма лексикани лингвостатистик, семантик ва генетик жиҳатдан тадқиқ қилди²⁶. Шунингдек, Бобур ижодига доир кўплаб илмий-оммабоп мақола ва китобларни ёзди. З. Холманова «Бобурнома» лексикасини ўрганиш бўйича илмий ишлар олиб борган²⁷. Олиманинг тадқиқотида «Бобурнома» лексикасининг умумий миқдори аниқланган, лексик бирликлар луғавий қатламларга кўра таснифланган, ўз ва ўзлашма қатламлар нисбати белгиланган, сўзларнинг семантик, функционал-стилистик хусусиятлари, лексик бирликлар ўртасидаги мазмуний, парадигматик муносабатлар таҳлил қилинган, Бобурнинг сўз қўллаш маҳорати, асар тилининг ўзига хослигини таъминловчи лингвистик омиллар ёритиб берилган.

Н. Жиянова тадқиқотида «Бобурнома»даги нумератив бирликлар – ҳисоб сўзлари ўрганилган²⁸. М. Олимовнинг бир қатор мақолалари ва «Бобурнома»да қўлланган синонимлар луғати нашр қилинди²⁹. Ф. Исоҳқов «Бобурнома»нинг 2002 йилдаги нашрига асосланиб, қисқача изоҳли луғат тузган ва бу луғатда жами 2498 та сўз изоҳланган³⁰. Ушбу нашрнинг аввалги нашрлардан фарқи, афзал жиҳатлари, илмий манба сифатидаги аҳамияти эътироф этилди. З. Тешабоева «Бобурнома»нинг инглизча таржималарида фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий жиҳатларини ўрганган, бу хусусиятларнинг таржимада акс эттириш муаммоларини ёритган³¹. Д. Хошимова «Бобурнома»даги тасвирий воситаларни инглиз тилига

²³ Дадабоев Х. «Бобурнома»даги баъзи терминларга доир мулоҳазалар // Адабий мерос. – Тошкент, 1988. №1 (43). – Б.38-43; шу муаллиф. Эски ўзбек тилида ҳарбий терминларнинг қўлланиши (VII-XIII асрлар) // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1981. №6. – Б.31-35; шу муаллиф: “Бобурнома”даги феъл-атвор лексикаси хусусида // Филология масалалари. – Самарқанд, 2004.

²⁴ Назарова Х. Заҳириддин Муҳаммад Бобур асарлари учун қисқача луғат. – Тошкент: Фан, 1972.

²⁵ Назарова Х. Бобур ва ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1971; шу муаллиф. Особенности синтаксического строя узбекского литературного языка конца XV – начала XVI в. – Ташкент: Фан, 1979; шу муаллиф. Синтаксический строй языка “Бобур-наме” Заҳириддина Муҳаммеда Бабура: Дисс. ...канд. филол. наук. – Ташкент, 1980.

²⁶ Иброҳимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи (“Девон”, “Мубаййин”, “Аруз”): Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2008.

²⁷ Холманова З. «Бобурнома»нинг айрим лексик хусусиятлари. – Тошкент: ЎЗМУ, 2003; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси. – Тошкент: Фан, 2003; Холманова З. «Бобурнома» лексикаси тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2009.

²⁸ Жиянова Н. «Бобурнома»даги нумеративларнинг маъно хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2000.

²⁹ Олимов М. «Бобурнома» да қўлланган синонимлар луғати. – Тошкент: Фан, 2004.

³⁰ Исоҳқов Ф. “Бобурнома” учун қисқача изоҳли луғат. – Андижон: Andijon nashriyot-matbaa OAJ, 2008.

³¹ Тешабоева З. «Бобурнома»нинг инглизча таржималаридаги фразеологик бирликлар ва уларнинг миллий-маданий хусусиятлари: Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2017.

таржимасининг лексик-семантик, синтактик-стилистик, прагматик ва лингвокультурологик хусусиятлари аниқлаган³².

2020 йил 28 февралда Россия шарқшунослик маркази Осиё ва Африка халқлари институти Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети билан ҳамкорликда «Интеллектуальное наследие Захираддина Мухаммеда Бабур и современность» мавзусида халқаро илмий анжуман ўтказилди. Унда «Бобурнома»нинг тил хусусиятлари ҳақида маърузалар қилинди. Хорижда Бобур ижодий мероси, жумладан, «Бобурнома»ни ўрганиш ва оммалаштиришда Ж.Лейден³³, В.Эрскин, А.Бевеиж, Ҳ.Бевеиж, У.Текстон, С.Пуул, Ф.Талбот, Ҳ.Лэмб, М.Эльфинстон, Жан-Луи-Бакэ-Граммон³⁴, Паве де Куртейл³⁵ каби йирик ғарб шарқшунослари, А.Самойлович³⁶, Г.Благова, Н.Ильминский, В.Вяткин, Н.Веселовский, В.Бартольд, М.Салье, И.Стеблева каби рус олимлари, Шафиқа Ёркин³⁷, Абдулхай Ҳабибий каби афғонистонлик ва С. Шарма³⁸, Р.Трипатхи, М.Ҳасан сингари ҳиндистонлик шарқшунос олимларнинг ҳиссаси катта. Ж.Лейден, В.Эрскин, П. де Куртейл, А.Кайзер, Л.У.Кинг ва бошқа шарқшунослар асарга тарихий-этнографик ва лингвистик нуқтаи назардан ёндашдилар³⁹. «Бобурнома»нинг тилига эътибор унга изоҳ ва шарҳлар беришдан бошланди. Л.У.Кинг тузган шарҳ ва изоҳлар тўрт мингдан ортиқдир⁴⁰. Инглиз бобуршуноси А.Бевеиж таржималарда Бобур тили ва услубига алоҳида эътибор берди. «Бобурнома»нинг туркча таржимасида Бобур қўллаган истилоҳ ва таъбирларнинг алифбо тартибидаги луғати келтирилди⁴¹. Нашрдаги изоҳлар «Бобур асарлари» луғатининг вужудга келишида муҳим манба сифатида хизмат қилди.

³² Хошимова Д. «Бобурнома»асарининг танкидий матнини яратиш муаммолари (ўзбек, инглиз ҳамда «Бобурнома»танкидий матнининг япон нашрлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2006; Хошимова Д. «Бобурнома»матнидаги тасвирий воситаларнинг инглиз тилига таржималари тадқиқи: Филол. фан. д-ри. дисс. – Тошкент, 2018.

³³ King L., Leyden J., Erskine W. *Memoirs of Zehir-ed-Din Muhammed Baber, Emperor of Hindustan.* – London, annotated and revised ed. by L.King. Vol.2. – Milford, 1921; *Babur-Nama (Memoirs of Babur).* – Translated from the original Turki text by Annete S.Beveridge. – Lahore: Sang-e meel, 1979; *The Baburnama. Memoirs of Babur, Prince and Emperor.* Translated, edited and annotated by Wheeler M.,Thackston. – New York and Oxford, 1996; Lane-Poole. *Babar.* – Oxford,1899; Harold Lamb. *Babur The Tiger.* – New York, 1961; Elfinston M. *History of India.* – London, 1857.

³⁴ Vacque-Grammont J.L. *Le livre de Babur.* – Parij, 1980.

³⁵ Pavet de Courteille. *A.Dictionnaire Turk-Oriental.* – Parij, 1870.

³⁶ Самойлович А. *Собрание стихотворений императора Бабур.* – Петроград, 1917; Благова Г.Ф. Академик Самойлович и изучение литературного наследия Захир-эд-дина Мухаммеда Бабур // *Восток.* №6. – М.,1997; Вяткин В. Самарканд и его окрестности в прошлом, по запискам Султана Бабур-Мирза; Бартольд В. *История культуры мусульманства.* – СПб., 1918; Бобур-наме. Пер. М.Салье, издание второе, дораб. Общ. ред-я и доработка С.Азимджановой. – Тошкент, Гл.ред.энциклопедий, 1993; Стеблева И. *Семантика газелей Бабур.* – М.: Наука, 1982.

³⁷ Захириддин Мухаммад Бобур. *Девон.* Тузувчи: Шафиқа Ёркин. – Кобул, 1983.

³⁸ Sharma S.R. *A Bibliography of Mughal India (1526-1707 A.D)* – Bombay, 1990.

³⁹ Асар таржималари ҳақида қаранг: Ғайбуллоҳ ас-Салом, Неъматуллоҳ Отажон. Жаҳонгашта «Бобурнома». – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1996. – Б.1-5; Иброҳимов А. «Бобурнома»– буюк асар. – Тошкент, 2000. – Б 78; Хошимова Д. «Бобурнома» асарининг танкидий матнини яратиш муаммолари (ўзбек, инглиз ҳамда «Бобурнома» танкидий матнининг япон нашрлари мисолида): Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2006.

⁴⁰ Қаранг: Отажонов Н. «Бобурнома» жаҳон кезади. – Тошкент, 1984. – Б.38.

⁴¹ *Baburnâme Gazi Zahîreddin Muhammed Babur. Doğu türkçesinden çeviren: Reşit Rahmeti Arat – Kabalci Yayinevi, 2005.*

Айрим тилларда «Бобурнома»нинг бир нечтадан алоҳида-алоҳида таржималари мавжуд. Инглиз, форс, урду тиллари шулар жумласидандир. Масалан, урду тилига тўрт марта ўгирилган.

«Бобурнома»ни урду тилига илк бор 1898 йилда туркий тилдан Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний⁴² таржима қилган, бироқ у муаллиф ҳаётлигида нашр этилмаган. Таржимани 1926 йили Кўрагонийнинг фарзандлари Дехлида чоп эттирган. Қўлимиздаги мазкур таржима 1962 йилда Карачи шаҳрида «Buk-Lend» нашриётида қайта чоп этилган⁴³. Сарварақда китобнинг номи *بابرنامہ* [Ba:barna:ma] деб, унинг тагида эса *تذکة بابری* [Tuzuke Ba:bari:] деб ёзилган. Китоб 426 саҳифадан иборат. Убайдулла Қуддусий изоҳларни таҳрир қилган, тўлдирган ва сўзбоши ёзган. «Сўзбоши» муаллифи Убайдулла Қуддусий таржимага шундай баҳо беради: «... таржима ниҳоятда равон ва аниқ, биронта сўз тушиб қолмаган...». Иш жараёнида таржимон Жон Лейден (яъни Жон Лейден-Уильям Эрскин)нинг биринчи тўлиқ инглизча таржимасидан фойдаланганлиги, туркийча аслни ҳам ўқиганлиги ва уни сўзма-сўз таржима қилганлиги ҳам таъкидлаб ўтилади. «...тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу таржима асл матннинг ўрнини боса олади ва таҳсинга сазовордир»⁴⁴.

«Сўзбоши» бир неча сарлавҳадан ташкил топган – *انتظام مکی* (Мамлакатдаги ташкилий масалалар), *بابر کا انتقال* (Бобурнинг вафоти), *بابر کی قابلیت* (Бобурнинг қобилияти), *بابر نامہ کے تہ تیغ* (Тузуки Бобурий), *تذکة بابری* («Бобурнома» нинг таржималари) ва мазкур таржима ҳақида мухтасар маълумот келтирилади.

«Бобурнома»нинг урдуга яна бир таржимасини Рашид Ахтар Надавий⁴⁵ форсийдан қилган. Мазкур таржима дастлаб 1965 йилда, кейин 1991 йил Лаҳўр (Покистон) шаҳрида чоп этилган⁴⁶. «Бобурнома»нинг ушбу нашри *تذکة بابری* [Tuzuke Ba:bari:] деб номланган, жами 287 бетдан иборат. Китобда таржимон томонидан ёзилган салкам тўрт бетлик сўзбоши ва олти бетлик мундарижа берилган. Сўзбошида Бобур шахсиятига илиқ муносабат сезилади. Жалолиддин Акбаршоҳ (1542-1602 йй.) даврида «Бобурнома» Байрамхоннинг ўғли Абдурахим Хони Хонон томонидан туркийдан форсийга ўгирилгани ҳақида ёзиб, Рашид Ахтар Надавий бундай дейди: «... шундан кейин аҳли жаҳон

⁴² Маълумотларга кўра, Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний бобурийлар авлоди вакили бўлган. Бу ҳақда қаранг: Бобурнома. Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси. Сўзбоши. Мерза Насиралдин Ҳидрабк Лейн. *تذکة بابری*، مرزا نصیر الدین حیدر بک لہنڈ، ۱۹۶۲، کراچی، (урду тилида). ۱۰ص ۱۹۶۲.

⁴³ *تذکة بابری*، مرزا نصیر الدین حیدر، بک لہنڈ، کراچی، ۱۹۶۲.

⁴⁴ *تذکة بابری*، مرزا نصیر الدین حیدر، بک لہنڈ، کراچی، ۱۹۶۲، ص ۱۰.

⁴⁵ Рашид Ахтар Надавий 1918 йил 13 январда Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида таваллуд топган. Адабиётшунос олим, носир. «Ғарбий Покистон тарихи», «Шимолий Покистон», «Ҳумоюннома», «Аврангзеб» каби китоблар муаллифи. Рашид Ахтар Надавий 1992 йил 7 июлда Панжоб провинциясининг Мари (Покистон) шаҳрида вафот этган.

⁴⁶ *تذکة بابری*، رشید اختر ندوی، سنگ میل، لاہور، ۱۹۹۳.

биринчи марта буюк тождор (яъни Бобур Мирзо)нинг сухан мулкининг ҳам шаҳаншоҳи эканлигидан хабар топди»⁴⁷.

Асар Мумбай шаҳрида Мирзо Муҳаммад Шерозийнинг «Читра Прабха матбаа» нашриётида чоп этилган форсча нашридан таржима қилинган. Бу форсча қўлёзма ўз навбатида Удайпур рожасининг кутубхонасидан топилган. 246 саҳифадан иборат тўлиқ бўлмаган мазкур форсча қўлёзманинг кўчирилган йили ҳақида ҳеч қандай маълумот келтирилмайди. «Биз таржима жараёнида, ушбу китобнинг асл таржимони Хони Хонон сингари тер тўқдик, деб айта олмаймиз» деб ёзади урду таржимони. Шундан англашиладики, гап номи зикр этилган Абдураҳим Хони Хононнинг ўша таржимаси ҳақида кетмоқда. Таъкидлаш керакки, мазкур урдуча нашрда изоҳ ва шарҳлар йўқ, демак, илмий нашр эмас. Унда бир қанча хато ва камчиликлар мавжуд. Баъзи сўзлар, жумлалар таржимасида чалкашлик бор, лекин тили раво ва завқли.

Ушбу нашр ҳам сарлавҳаларга бўлинган. Масалан: *سمرقند پر حملہ (Самарқандга ҳужум)*, *کابل کی سمت واپسی (Кобулга қайтиши)*, *آگرہ کی سمت (Агра томон)*, *کابل کو واپسی (Кобулдан қайтиши)*, *دھول پور بھی ہاتھ آیا (Дхўлпур ҳам қўлга кирди)*, *لاشکار تۇپلاش ҳақида фармон (Лашикар тўплаш ҳақида фармон)*, *پانی پت کی لڑائی (Панипат жанги)*, *ہجری کا آغاز (Ҳижрий 912 йилнинг бошланиши)*, *ہجری ۹۱۲ (Ҳижрий 912 йил)* каби 230 дан зиёд сарлавҳа ва сарлавҳачалар бор.

Мумбайдаги «Urdu news» газетаси муҳаррири Шакил Рашид Рашид Ахтар Надавий таржимаси хусусида ўзининг *ترک باری کا اردو ترجمہ («Бобурнома»нинг урдуча таржимаси)* номли мақоласида шундай ёзади: «Ҳиндистонда мўғуллар империясининг янги ҳукмдори Бобурнинг туркий тилидаги *ترک باری [Tuzuke Va:bari:]* деб аталмиш хотиралари Абдураҳим Хони Хонон томонидан форс тилига таржима қилинмаганида, эҳтимол, биз урдузабон омма бу қизиқ ва маълумотга тўла китобни ўқишдан маҳрум бўлар эдик. Рашид Ахтар Надавий Панжоб Миллий кутубхонасидан («Бобурнома»нинг форс тилидаги тўлиқ бўлмаган нусхасини олди ва уни урду тилига таржима қилиш учун кўп меҳнат қилди. Форс тилидаги ушбу нусха Мумбайда Мирзо Муҳаммад Шерозий эгалик қилган «Chitra Prabha Press» томонидан нашр этилган. Бу – қизиқарли китоб, таржимаси ҳам яхши, лекин босмахонада терилмаган ва ёзув яхши эмас, шунинг учун кўзга яхши кўринмайди. Бирон бир тарихчининг сўзбоши ёзиши ҳам зарур эди. Таржима қилинган версия ҳам тўлиқ эмас, шу боис ушбу хатолар бартараф этилгандан кейин айна китоб қайта нашр этилиши керак. Китоб Покистоннинг йирик нашриёти «Sang-e-meel» томонидан нашр этилган»⁴⁸.

⁴⁷ ترک باری، رشید اختر ندوی، سنگ میل، لاہور، ۱۹۹۳ ص ۵

⁴⁸ ترک باری کا اردو ترجمہ - تکمیل رشید ایڈیٹرز روڈ نیوز، ممبئی (m.dailyhunt.in)

Камчиликлари бўлишига қарамай, ушбу урдуча нашр аҳамиятли. Мазкур икки (*Кўрагоний ва Надавий*) урдуча таржимага бобуршунос олима С.Азимжонова юқори баҳо берган⁴⁹.

«Бобурнома»нинг яна бир таржимасини форсийдан ҳиндистонлик профессор Юнус Жаъфарий⁵⁰ амалга оширди. Китоб *وَقَاتِلْ بَابَر* [Vaqa:ye Ba:bar] деб номланган, жами 396 саҳифа. Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. Айти таржима 2007 йили Англияда чоп этилди⁵¹. Унинг аҳамиятли томони таржимада изоҳ-шарҳлар ниҳоятда кўп келтирилганлигида, улар асарни чуқурроқ тушуниш ва ўрганиш имконини беради ҳамда асарнинг илмийлигини оширади⁵².

Таржимон ва шарҳловчи ўзидан олдинги таржималарни синчиклаб ўрганган, хато-камчиликларини аниқлаганидан кейингина янги таржимага қўл урган. Таржимон мавжуд таржималардаги асосий камчиликлардан бири изоҳ ва шарҳларнинг етарли эмаслиги, бугунги кун талабларига жавоб бермаслигида деб билган. Юнус Жаъфарий таржимасидаги изоҳ-шарҳларнинг ниҳоятда кўплигини мана шу омил билан тушунтириш мумкин.

Ушбу таржима ҳам аввалгилари каби сарлавҳаларга бўлинган. Мовароуннаҳр қисмида 22 та, Кобул қисмида 23 та ва Ҳиндистон қисмида 27 та сарлавҳа бор. Масалан, *امرا عمر شیخ مرزا* (*Умаршайх мирзонинг амирлари*), *تخت نشینی* (*Тахтга ўтириши*), *سلطان علی* (*Хусравшоҳнинг бўйсунуши*), *خسرو شاه کی عطاعت* (*Хусравшоҳнинг бўйсунуши*), *پیدا ئش* (*Мирзолар билан учрашуви*), *مرزاؤں سے ملاقات* (*Мирзолар билан учрашуви*), *چندیری پر* (*Панипат жангига тайёргарлик*), *پانی پت* (*Панипат жангига тайёргарлик*), *چندیری پر* (*Панипат жангига тайёргарлик*), *چندیری پر* (*Панипат жангига тайёргарлик*), *چندیری پر* (*Панипат жангига тайёргарлик*) ва ҳ.к.

Нашрда баъзи имловий ва саналардаги хатолар, камчиликлар учрайди. *فرغانہ* [Farg‘a:na] «Фарғона»ни *فرغنه* [Farg‘ana] шаклида қўлланишини тўғри деб бўлмайди. Бобур қўллаган айрим сўзларни аслиятдагидек келтирмай, замонавий шаклда берилишини ҳам мақбул усул деб бўлмайди. Масалан, туб туркий узунлик ўлчови «қари»ни *گاز* [gaz] деб, «ёмчи» терминини *ڈاک* [Da:k], яъни «почтачи» ёки «почтальон»⁵³ деб ўгирилиши ўзини оқламайди, чунки муаллиф услуги ва асар руҳи ҳақида нотўғри тасаввурга олиб келади.

⁴⁹ Азимджанова С. Государство Бабур в Кабуле и в Индии. – М.: 1977. – С. 12-13.

⁵⁰ Саййид Муҳаммад Юнус Жаъфарий 1930 йил 27 сентябрда Ҳиндистоннинг Дехли шаҳрида туғилган, ҳиндий, урду, форс, инглиз тилларида ижод қилган. Биз кўрган маълумотлардан унинг серкирра ижодкорлиги маълум бўлди. Юнус Жаъфарий кўплаб халқаро мукофотлар соҳиби, шунингдек, моҳир таржимон ҳамдир. Унинг урдудан форсийга, форсийдан урдуга, форсийдан инглиз тилига қилган таржималари диққатга сазовор. Юнус Жаъфарий 2016 йил 29 августда вафот этган. Бу ҳақда қаранг: Бобурнома. Сўзбоши. Форечадан Ю. Жаъфарий таржимаси. Изоҳ ва шарҳлар муаллифи Ҳасан Бег. – Англия, Шехрбану паблишерз. Кирийақди. 2007. (урду тилида).

⁵¹ *وَقَاتِلْ بَابَر*, Юнус Жаъфарий, 2007, Кирийақди.

⁵² Биздаги нашрларда, хусусан, 2002 йилдаги илмий нашрда ҳам бундай изоҳлар йўқ.

⁵³ *وَقَاتِلْ بَابَر*, Юнус Жаъфарий, 2007, Кирийақди, с. 314.

«Бобурнома» нинг урду тилига яна бир таржимасини Муҳаммад Қосим Сиддиқий⁵⁴ амалга оширган. Бу таржима дастлаб 1983 йилда Ҳиндистоннинг Дехли шаҳридаги «Taraqqi Urdu Bureau» нашриётида чоп этилган⁵⁵. Сарварақда китобнинг номи *بابرنامه* [Ba:barna:ma] деб, унинг тагида эса *تذک بابری* [Tuzuke Ba:bari:] деб келтирилган, китоб жами 66 саҳифадан иборат. Сўзбоши муаллифи профессор Фаҳмида Бегум бўлиб, у хам асарни Кўрагоний, Надавий ва Жаъфарий таржималари сингари сарлавҳаларга бўлиб ўтирган. Сарлавҳалардан мисол келтирамиз: *سمرقند کا بیان (Самарқанд таърифи)*, *ہندوستان کا بیان (Кобул таърифи)*, *ہندوستان کا سفر (Ҳиндистонга сафар)*, *دہلی، ہندوستان کی جانب دوسرا حملہ (Ҳиндистон томон иккинчи ҳужум)*, *پانی پت کی لڑائی (Ҳиндистон)*, *ہندوستان میں آنا اور خطبہ پڑھوانا (Дехлига келмоқ ва хутба ўқиттирмоқ)*, *جانور (Ҳайвонот олами)* каби сарлавҳа ва сарлавҳачалардан иборат.

2010 йил мазкур таржиманинг иккинчи, тўлдирилган нашри ҳам Дехлидаги «Qaumi Council Bara-e-Farogh-e-Urdu Zaban» нашриётида чоп этилган⁵⁶. Сўзбоши муаллифи – профессор Муҳаммад Ҳамидуллоҳ Бҳат. Мазкур нашр ҳам сарлавҳаларга бўлинган. Иккала нашрнинг сўзбошисида таржима урдуга форсийдан амалга оширилгани айтилган, бироқ форсча кўлөзма ҳақида маълумот келтирилмаган. Таржима асар 101 саҳифадан иборат. «Бобурнома»нинг ушбу таржималари қисқартирилган таржималар бўлиб, жуда кўп ўринлар тушириб қолдирилган, изоҳ ва шарҳлар йўқ, демакки, илмий нашр эмас.

Умуман олганда, бу тўрт урдуча нашр ниҳоятда аҳамиятли, таржимонлар бу билан «Бобурнома»ни урдузабон халқлар орасида оммалаштирган. Рашид Ахтар Надавий, Юнус Жаъфарий ва Муҳаммад Қосим Сиддиқий таржималари форсийдан амалга оширилган. Мирзо Насируддин Ҳайдар Кўрагоний таржимаси бевосита туркийдан ўтирилган биринчи тўлиқ таржима бўлгани боис тадқиқот учун танлаб олинди.

Диссертациянинг «**Бобурнома**»нинг **туркийдан таржимасида лексик-семантик жиҳатларнинг берилиши**» деб номланган иккинчи бобида Бобур тасвир тарзига хос бадиий хусусиятларнинг инъикоси, аслиятдаги миллий колоритнинг таржимада акс этиши, тарихий шахслар адабий портрети таржимасида полисемантик, омонимик сўзларнинг қўлланиши кабилар ёритилган. Бобур услубига хос асосий жиҳатлардан бири «*ҳар сўзнинг ростини*» битиши, воқеа-ҳодисаларни ҳаққоний, ўша замонга хос жимжимадор ва баландпарвоз тасвир услубидан фарқли ўлароқ, ғоят гўзал, жонли ва мароқли йўсинда ҳикоя қилиши, содда ва қисқа баён тарзи маълумотни содда, ихчам тарзда ўқувчига етказиш хусусиятидир. «Бобурнома» нисбатан содда тилда

⁵⁴ Таржимон Муҳаммад Қосим Сиддиқий фаолияти ҳақида маълумот учрамади.

⁵⁵ *بابرنامه* (تذک بابری) محمد قاسم صدیقی، ترقی اردو بیورو، نئی دہلی، ۱۹۸۳

⁵⁶ *بابرنامه* (تذک بابری) محمد قاسم صدیقی قومی قانسئل بڑائے فروغ اردو زبان، نئی دہلی، ۱۹۹۳

битилган. Бунинг сабаби муаллиф услубининг содда, равонлигидан ташқари, носир халқ тилидан, унинг оғзаки ижодидан кенг фойдаланиши, кўплаб мақолу маталлар, кишилар қиёфасини тасвирлашда ҳажвдан моҳирона фойдаланиши, Қуръони шариф оятларига асосланган ибораларни қўллашидир. Натижада асар тили нафақат содда ва равонлик, балки таъсирчанлик ҳам касб этган. Масалан, ҳижрий 933 (1526-1527) йил воқеалари баёнида Рана Сангага қарши жанг олдида Бобур бек ва навкарлари қаршисида оташин нутқ сўзлайди, унда қуйидаги иборалар бор: «*Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё гамхонасидин кечгусидур. Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхишироқ*»⁵⁷.

Фикримизча, мазкур иқтибосдаги дастлабки гапга Қуръони шариф ояти асос қилиб олинган: «*Ҳар бир жон ўлим (аччиги)ни тотувчидир. Қиёмат кунда, албатта, мукофотларингиз сизларга тўла-тўқис берилур. Бас, (ўша кун) ким дўзахдан узоқлаштирилиб, жаннатга киритилса, демак, у (катта) ютуққа эга бўлибди. Бу дунё ҳаёти эса фақат гурур (алдов) матоҳидир*» («Ол-и имрон» сураси, 185-оят). Иккинчи гап Мирзо Бобурнинг ўз ижодига мансуб бўлиб, ҳикматли сўз даражасига кўтарилган. Халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган Қуръон оятлари асосида ва мақол-матал тарзида айтилган гаплар қўшинга улкан таъсир кўрсатади, уларни ғалабага руҳлантиради, натижада бу ҳал қилувчи жангда Бобурнинг қўли баланд келади. Мазкур гапнинг биринчи жумласи «*Ҳар кимки ҳаёт мажлисига кирибтур, оқибат ажал паймонасидин ичгусидур ва ҳар кишиким, тириклик манзилига келибтур, охир дунё гамхонасидин кечгусидур*» урдучада шундай берилган: جس نے ماں کا پیٹ دیکھا ہے وہ ضرور ایک دن قبر

яъни «ким дунёга келса, у, албатта, бир кун дунёдан кўз юмади (сўзма-сўз: қабрни ҳам кўради), кимки дунёга келса, у бу ердан кетади ҳам» *Ёмон от била тирилгандин, яхши от била ўлган яхишироқ*» жумласи қуйидагича ўгирилган: *بدنام ہو کر جینے سے نیک نام سے مرنا بہتر ہے*, яъни «Бадном бўлиб яшагандан кўра, яхши ном билан билан ўлган афзалдир». Кўринадики, таржиманда шакл ва мазмун бирлиги уйғун, муаллиф услуби ҳам сақланган.

«Бобурнома»нинг урдуча таржимасида географик худудлар, адабий портретлар, киши исмлари, табиат манзаралари, ҳайвонот ва наботот олами тасвирида кўплаб миллий хосланган сўзлар (реалиялар)ни учратиш мумкин: Умаршайх мирзо адабий портрети таърифида Бобур шундай ёзади: «*Тўнни бисёр тор кияр эди*»⁵⁸. Мазкур жумланинг урдуча талқини қуйидагича: *کپڑے بہت*

Ушбу жумлада «тўн» сўзи *کپڑا* [kapRa:], яъни *кийим* деб

⁵⁷ Бобурнома. П.Шамсиев, С.Мирзаев ва Эйжи Мано (Япония) нашрлари асосида қайта нашрга тайёрловчи: С.Ҳасанов. – Тошкент: Шарқ, 2002. – Б.223.

⁵⁸ Кўрсатилган асар – Б. 36.

⁵⁹ *تذکرہ باری، مرزا نصیر الدین حیدر بک لینڈ کراچی، ۱۹۶۲ ص ۲۴*

ўғирилган. Тўн ўзбек миллий либоси ҳисобланиб, миллий хос сўз саналади. کپڑا [kapRa:] урду тилида умуман кийимни англатади, ундан ташқари «мато» маъносида ҳам қўлланади. Шу боис «чопон», «тўн» маъносини берадиган چونا [chu:g`a:]ни қўллаш мумкин эди. Таржимон ушбу реалияни аниқ ўғиролмаган, ҳеч бўлмаганда, саҳифа остида тушунтириш бериши керак эди. Султон Ҳусайн Бойқаро мирзо таърифида Бобур ёзади: «*Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси «Хусайний» эди*». Мазкур жумлада таржимон Ҳусайн Бойқаро тахаллусини урдуда- حسينى تخلص تها [Huseyni:] деб транслитерация орқали бериб, таржима адекватлигига эришган.

«Бобурнома»даги адабий портретлар қуйидаги таснифга кўра ўрганилди: 1) илм ва санъат аҳли вакиллари образи: Алишер Навоий, бастакор Биноий, созанда Шайхий Нойи кабилар; 2) давлат арбоблари образи: Умаршайх мирзо, Ҳусайн Бойқаро; 3) бек ва вазирлар образи: Муҳаммад Валибек, Муҳаммад Мажиддин.

Алишер Навоий адабий портретида Бобур ёзади: «*Хусусият бисёр экандур*». Кўрагоний таржимасида خصوصيت بہت تھی۔ жумласи ҳам урду тили стилистикаси, ҳам грамматик нуқтаи назардан тўғри эмас: аввало, хусусият сўзи кўплик шаклида ишлатилиши керак эди ва унинг кўплик шакли خصوصيت [khusu:siyat] эмас, خصوصيات [khusu:siya:t], яъни сўнги бўғин чўзиқ бўлиши лозим. Таржимада «Унинг билан хусусияти кўп эди» дейилган, ваҳоланки, бу ерда «унинг хусусиятлари кўп эди» дейилса, услубий тўғри бўлади. Мана шу учта сўздан иборат жумлада икки хатога йўл қўйилган.

«Бобурнома» матни лексикасининг ўзига хослигини таъминловчи лингвистик омиллардан бири омоним, синоним, антоним сўзларнинг мақсадга мувофиқ қўлланишидир. Асар тилининг услубий ўзига хослигини таъминлашда синонимик сўзлар муҳим ўрин тутди. «Бобурнома»да туркий ва ўзлашма қатлам сўзлари синонимик парадигма ҳосил қилади, яъни туркий сўз-туркий сўз, туркий сўз-форсча сўз ва ҳ.к.

«*Яхши рубоиёти ҳам бор. Яна баъзи мусаннафоти борким, у мазкур бўлгонларга боқа пастроқ ва сустроқ воқий бўлубтур*»⁶⁰. Ушбу жумладаги пастроқ ва сустроқ, яъни туркий сўз-туркий сўздан иборат синонимик қатор

